

**Ассалому алайкум,**

**Жаноб Янз Таэ Ким,**

**Ҳурматли тадбир қатнашчилари, ҳонимлар ва жаноблар,**

Барчангизни ушбу тадбирда кўриб турганимдан мамнунман.

Маълумки, иқлим ўзгаришининг салбий таъсирларини қисқартириш, атроф-муҳитга иссиқхона газларини чиқишида транспорт соҳасининг улушини камайтиришда **Ўзбекистон** томонидан бир қатор чоралар кўрилмоқда.

**Ўзбекистон Республикаси** Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “**Иқлимнинг ўзгариши тўғрисида**” **Ҳадли Конвенцияси** (*Рамочная Конвенция*) иштирокчиси ҳисобланишини, шунингдек, **Ўзбекистон** томондан **Париж** битими **2017** йилда имзоланганлиги ҳамда **2018** йилда ратификация қилинганлигини яхши биласиз.

Бугунги кунда, транспорт соҳасида давлат сиёсатини олиб боришда экология ва атроф-муҳит масалалари устувор аҳамият касб этади.

**Ўзбекистон Республикаси** Президентининг **2019** йил 4 октябрдаги ПҚ-**4477**-сон қарори билан “**2019 – 2030** йиллар даврида **Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегияси**” тасдиқланиб, унда Транспорт соҳасидаги асосий мақсадлар белгилаб берилган. Хусусан:

шаҳарни узоқ муддатли ривожлантириш режалари ва экологик хавфсизлик чораларига мувофиқ “яшил” транспортни ривожлантириш;

автотранспорт паркини янгилашда давом этиш, эски автомобилларни утилизация қилиш ва янги, янада экологик автомобилларни сотиб олишни рағбатлантирувчи дастурларни ишлаб чиқиш;

жамоат транспортининг самарали тизимларини яратиш ва такомиллаштириш яшил иқтисодиётга ўтишда асосий йўналишлар сифатида белгилаб берилганлиги шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, **Ўзбекистон Республикаси Президентининг** 2022 йил 2 февралдаги ПҚ-111-сон қарори билан “**Тошкент шаҳар**

**жамоат транспорти тизимини 2025 йилгача ривожлантириш концепцияси” қабул қилинди.**

Мазкур Концепциянинг асосий мақсади аҳолининг жамоат транспортдан фойдаланиш даражасини камида икки баробарга ошириш, йўловчиларга қулай ва хавфсиз ҳаракатланиш муҳитини яратиш ҳамда транспортнинг атроф-муҳитга салбий таъсирини камайтириш орқали шаҳарда экологик ҳолатни яхшилашдан иборат.

Хусусан, концепцияда **2025 йилгача** Тошкент шаҳрида жамоат транспортини қулай ва экологик тоза ҳаракат таркиби билан янгилаш йўли билан атроф-муҳитга салбий таъсирини **35 фоизга** камайтириш белгиланган.

Кўрилаётган чораларнинг амалий аҳамияти ҳақида гапирадиган бўлсак, 2022 йилда Тошкент шаҳрига **20 дон** катта сифимли электробуслар олиб келиниб, мунтазам йўналишларга жойлаштирилди.

Электробусларнинг **10 ойлик** эксплуатацияси натижасида атмосферага чиқариладиган зарарли моддалар ҳажми ўтган йил кўрсаткичлари билан таққослаганда **56,8 тоннага** қисқарди.

Бугунги кунда жамоат транспорт паркни экологик тоза транспорт билан кенгайтириш бўйича амалий ишлар давом этмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириғига мувофиқ, кейинги ойларда Тошкент шаҳрига жами **1000 дон**, шундан **300 та** электробус ҳамда **700 та сиқилган табиий газда** ишлайдиган автобуслар олиб келинмоқда.

Мамлакатимизда аҳолининг турмуш тарзи ошиши муносабати билан шахсий автомобиллар сони йилига ўртача **300 мингтага** кўпайиб бормоқда.

Автомобиль сонини кескин ошиши, шаҳарларда ҳавони ифлосланишига ва иссиқхона газларни ошишига олиб келмоқда. **Ўзбекистонда** ҳаво ифлосланишида автомобиль транспорти улуши **60 фоизни** ташкил этиб, ривожланган мамлакатлар кўрсаткичидан **3 баробар** кўп бўлмоқда.

Шу сабабли, сифатли, хавфсиз ва барқарор жамоат транспорти тизимини яратиш орқали шаҳарларда хусусий автотранспорт сонини кескин ошиб кетишини жиловлаш ҳамда аҳолини жамоат транспортга бўлган ишончини орттириш устувор вазифаларимиздан бири ҳисобланади.

Шу боис бугунги кунда жамоат транспортини ривожлантириш бўйича комплекс ишлар амалга оширилмоқда. Мисол сифатида, жамоат транспортини молиялаштиришнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш, соҳани рақамлаштириш орқали самарали назорат

тизимларини яратиш, йўналишлар тармоғини оптималлаштириш бўйича қилинаётган ишларни айтишимиз мумкин.

Бундан ташқари, бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт Дастурининг Ўзбекистондаги Ваколатхонаси ҳамкорлигида **“Тошкент – Кам углеродли автотранспортга инвестициялар жалб этишни жадаллаштириш”** лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Лойиҳа доирасида, Тошкент шаҳрида яшил транспорт йўлаги пилот лойиҳасини амалга ошириш, унда электробусларнинг қатновини йўлга қўйиш, бунинг натижасида ижтимоий, иқтисодий ва экологик кўрсаткичларни таҳлил қилиш ҳамда эришилган натижалар асосида **Ўзбекистонда электротранспортни ривожлантириш бўйича йўл харитаси ва стратегияларни** ишлаб чиқиш кўзда тутилган.

Халқаро транспорт форуми ва Транспорт вазирлиги ҳамкорлигида амалга оширилган **“Тошкент шаҳри йўловчи транспортини декарбонизация қилиш йўналишлари”** лойиҳаси юқорида амалга оширилаётган ишларга ҳамда санаб ўтилган қарорларда белгиланган мақсадларга тўлиқ муносибдир.

Халқаро транспорт форуми томонидан чуқур билим ва энг илғор халқаро тажрибалар асосида ишлаб чиқилган тавсиялар биз учун катта аҳамият касб этади ҳамда мамлакатимиз шаҳарларида жамоат транспортини комплекс ривожлантириш ва қарорлар қабул қилишда қўлланма сифатида фойдаланилади.

Жамоат транспортини сиёсатини самарали олиб боришда ишлаб чиқилган тавсиялар ҳамда энг янги услубиётлардан фойдаланиш имкони тақдим этилганлиги учун Халқаро транспорт форумига чуқур миннатдорчилигимни билдираман.

Яна бир бор меҳмонларни чин қалбимдан қутлайман ва бугунги тадбиримизга муваффақият тилайман.

**Эътиборингиз учун раҳмат.**

**Тошкент шаҳри, "Hyatt Regency" меҳмонхонаси,**

**2023 йил 14 февраль.**